Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1995 йил 1 апрель, шанба ● № 26 (10.702) ● Эркин нархда сотилади

Ислом КАРИМОВ: ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР

СУРАТЛАРДА: матбуот конференцияси пайтида.

С. ЗУФАРОВ тасвирга олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Тошкентда Ўзбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди.

— Учрашувларимиз мунтазам тус олганидан хурсандман, деди Президент тўпланганларга мурожаат қилар экан. Бугун сизларни ўтган йил охирида бўлган учрашувимиздан кейин ўтган вақт ичида республикамиз ҳаётида юз берган муҳим воқеалардан хабардор қилмоқчиман.

Бу давр Ўзбекистоннинг БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлигида ўтказилган йирик халқаро анжуман ва тадбирларда фаол иштирок этгани билан алоҳида ўрин тутади. Биз бу тадбирларда иштирок этишга республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишидаги муҳим восита, бизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган янгиланишларга халқаро тузилмаларнинг эътиборини жалб этиш ва бу ишда уларнинг кўмагидан фойдаланиш, республикада амалга оширилаётганислоҳотларнинг янада ривожланиши, миллий хавфсизликни, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришнинг муҳим гарови, деб қараймиз.

Биз ЕХҲТнинг Будапештда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон делегациясининг иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга, деб биламиз. Бу конгрессда Ўзбекистон минтақамизда барқарорлик ва тинчликни сақлаб туриш, ЕХҲТнинг бу жараёнда, экология муаммоларини, хусусан бугунги кунда миллийлик доирасидан чиқиб, умуминсоний муаммога айланган Орол муаммосини ҳал этишда янада муайянроқ иштироки билан боғлиқ бир қанча ташаббусни кўтариб чиқди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлабоқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб келади. Шу йил 20 январда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда, жаноб Холид Малик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг стратегик муаммолари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишлаб ўтказилган семинар-кенгаш муҳим воқеа бўлди. Анжуманда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида БМТ билан уч йиллик ҳамкорлик натижалари таҳлил этилди ва бу ҳамкорликни янада такомиллаштириш йўллари белгилаб олинди.

Ўзбекистон делегацияси иштирок этган яна бир катта тадбир — Копенгагендаги давлат ва ҳукумат бошлиқларининг халқаро учрашувидир. БМТ ҳомийлигида чақирилган ва ижтимоий тараққиёт муаммоларига бағишланган олий даражадаги бу учрашув ғоят муҳим воқеа бўлди. Бу ерда Ўзбекистон республикада амалга оширилаётган ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этишнинг ўзи танлаган йўлини тақдим этди. Бу йўл мураккаб ўтиш даврида жамиятда қашшоқлик, оммавий ишсизлик ва аҳолининг кўчиб кетиш жараёнларига йўл қўймасликнинг муҳим шарти бўлиб қолди.

Биз ўтмишга баҳо беришда ва бундан буёнги тараққиётимиз истиқболини белгилашда умуммиллий тотувликка эришдик. Жаҳоншумул ижтимоий муаммоларни самарали минтақавий механизмларни барпо этиш йўли билан ҳал этиш зарурлигига бизнинг ишончимиз комил. Бу ғояни жаҳоншумул муаммоларни минтақа муаммоларини очиш орқали ҳал этиш ғояси, деб ифодалаш мумкин.

Президент Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганининг 50 йиллигига тайёргарлик доирасида республикада миллий комиссия тузилганини қайд этди. БМТ ваколатхонаси билан биргаликда юбилей тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу режа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда Германия, Франция, Буюк Британия, Австрия, Голландия каби тараққий этган Европа давлатлари билан ўзаро муносабатларимиз фаол алоқа қилишга юксак интилиш мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

Бу муносабатлар анчадан бери мустаҳкам ҳуқуқий негиз асосида ривожланмоқда. Тузилган бир қанча шартнома ва битимлар ана шундай негиз бўлиб, уларнинг кўпи амалда муваффақиятли рўёбга чиқмоқда ва бундан ҳаммамиз мамнунмиз, деб таъкидлади давлатимиз бошлиғи.

Олдинги учрашувимизда айтилганидек, яна бир қанча мамлакатларда дипломатия ваколатхоналаримизни очиш ниятимиз амалга ошди — Лондон ва Брюсселда Ўзбекистон элчихоналари ишлай бошлади.

Ҳозир Ўзбекистон СССР парчаланиб кетганидан сўнг Шарқий Европа давлатлари билан узилиб қолган анъанавий ва азалий алоқаларни жадаллик билан қайта тикламоқда. 1995 йил биз учун Польша Республикасига давлат ташрифи билан бошланди. У ерда Президент Лех Валенса билан батафсил суҳбат ва дўстона учрашувлар бўлиб ўтди. Ўтказилган музокаралар натижасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги битим ва бошқа бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Март ойининг бошларида Чехия ташқи ишлар вазири Йосеф Желенец Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини яратиш тўғрисида эришилган аҳднома бу учрашувнинг асосий якуни бўлди.

Ўзбекистон январь-февраль ойларида Словения ва Хорватия билан дипломатия муносабатлари ўрнатди. Копенгагенда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида Болгария Президенти Желю Желев билан олий даражада ўзаро ташриф тўғрисида аҳдномага эришилди. Ўзбекистоннинг Болтиқбўйи мамлакатлари билан муносабатлари тараққиётнинг янги босқичига кўтарилмоқда. 30 март куни Ўзбекистон давлат делегациясининг Молдовага ташрифи бошланади.

Бу учрашувлар, уларнинг натижалари бундан кейинги ҳамкорлик учун жуда яхши асос ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимизнинг ривожига алоҳида тўхталмоқчиман. Биз АҚШни жаҳон ва минтақа барқарорлигини сақлаб туришда улкан имкониятга эга бўлган мамлакат, халқаро сиёсатнинг муҳим субъекти деб биламиз.

Икки томонлама муносабатлар соҳасида мамлакатимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот суръатлари ошиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — ўз навбатида бошқа муҳим соҳаларда, шу жумладан ҳарбий-техника соҳасида амалий ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар яратади. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар шартномавий-ҳуқуқий негизни кенгайтириш йўли билан мустаҳкамланмоқда.

Ўтган йил охирида Вашингтонда сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳозирги пайтда экспертлар яна бир муҳим ҳужжат — иккиёқлама солиқ олмаслик ҳақидаги шартномани тайёрлашмоқда. Биз Қўшма Штатлар билан иккала давлат фуқароларининг эркин келиб-кетиши тўғрисидаги меморандумни имзолашга тайёрмиз. Бу ҳужжат тадбиркор кишилар ва саёҳатчилар учун қулай шарт-шароит яратади. Биз Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, экология, иқтисодиёт ва таълим соҳасидаги бир қанча дастурларни рўёбга чиқаришда АҚШнинг мадади ва ёрдамини юқори баҳолаймиз.

Президент яқин кунларда Ўзбекистон пойтахти билан

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТГА ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ тасвирга олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қудратилла Аҳмедовни қабул қилди.

Қ. Аҳмедов мамлакатимиз раҳбарига республика Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори асосида 26 мартда ўтказилган умумхалқ Референдуми якунига биноан Президент Ислом Каримовнинг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзбекистон халқининг меҳнати, осойишталиги, аҳиллиги ва меҳр-муҳаббатининг мужассамидир, — деди юртбошимиз. — Ана шу сиёсий тадбир амалга ошираётган ишларимизни, ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизни халқ қандай баҳолаётганини назардан ўтказиш имконини берди. Зотан, порлоқ истиқболига ишонган халқгина буюк келажак йўлида бир ёқадан бош чиқариб, улуғ мақсадларга бел боғлайди. Вақтинчалик мураккабликларга қарамай, кўтаринки кайфият, яратувчанлик руҳи билан яшаётган азим халқнинг етакчиси бўлишдек масъулият зиммамда экан, уларнинг ишончини оқлашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Маросимда республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯДА

Шу йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи юзасидан шу йил 26 мартда ўтказилган умумхалқ Референдуми натижалари кўриб чиқилди. Республика бўйича овоз бериш уюшқоқлик билан, Ўзбекистон Республикасининг Референдум тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ, фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш натижалари тўғрисида 14 округ комиссияси тақдим этган баёнларни кўриб чиқиб, овоз бериш республика ҳудудида ташкил этилган 7257 участканинг ҳаммасида, шунингдек, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги ваколатхоналари қошида ташкил этилган 25 участкада Референдум тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этади.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 11319447 нафар фуқародан 11245028 нафари ёки 99,3 фоизи Референдумда қатнашди. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?» деган саволга 11199415 нафар фуқаро ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди, шу жумладан:

Т. р.	Округлар номи	Овоз бериш учун рўйхатга киритилган фуқароларнинг умумий сони	Овоз беришда қатнашган фуқаролар сони	%	Ёқлаб овоз берган фуқаролар сони	%	Қарши овоз берган фуқаролар сони	%	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони
1.	Тошкент шаҳри	1209656	1176407	97,2	1165437	99,1	10467	0,9	503
2.	Андижон	1018187	1017544	99,9	1016875	99,9	643	0,1	26
3.	Бухоро	653555	651645	99,7	649927	99,7	1696	0,3	22
4.	Жиззах	398271	397781	99,8	397150	99,8	620	0,2	11
5.	Навоий	377226	373404	98,9	372468	99,7	936	0,3	—
6.	Наманган	865985	865712	99,9	864426	99,8	994	0,1	292
7.	Самарқанд	1180810	1176414	99,6	1171041	99,5	4719	0,4	654
8.	Сирдарё	302049	300621	99,5	297963	99,1	2360	0,8	298
9.	Сурхондарё	718133	716854	99,8	716245	99,9	516	0,1	93
10.	Тошкент вилояти	1151008	1135532	98,6	1127244	99,3	7743	0,7	545
11.	Фарғона	1277540	1275524	99,8	1271070	99,6	2719	0,2	1735
12.	Хоразм	605737	598770	98,8	596710	99,6	1718	0,3	342
13.	Қашқадарё	888081	886127	99,8	884909	99,8	1120	0,1	98
14.	Қорақалпоғистон	673209	672693	99,9	667950	99,3	4366	0,6	377
	ЖАМИ:	11319447	11245028	99,3	11199415	99,6	40617	0,3	4996

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз берди, давлатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса ҳокимиятнинг ҳамма тармоқлари бундан буён ҳам самарали ҳамкорлик қилиши, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, белгиланган ислоҳотлар ҳамда дастурларни ишонч билан рўёбга чиқариш учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия қабул қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ваколатлари муддати умумхалқ овоз бериши натижасида 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган деб ҳисобланди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МОЛДОВАГА ТАШРИФИ

КИШИНЕВ, 30 март. (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур таклифига биноан бу ерга давлат ташрифи билан келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Кишинев аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Молдова Президенти Мирча Снегур Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни самолёт пиллапоялари ёнида ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Таомилга кўра, азиз меҳмонга нон-туз тутилди, анвойи гуллар тақдим этилди.

Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Молдова Давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов Президент Мирча Снегур ҳамроҳлигида фахрий қоровул сафлари ёнидан ўтди. Президентлар расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Шу куни Молдова Президенти қароргоҳида икки давлат раҳбарлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида тор доирада музокаралар ўтказдилар.

Бир пайтнинг ўзида давлат тантаналари саройида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ҳукуматлараро битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тор доирадаги суҳбатдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Молдова Республикаси Президенти М. Снегур кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказиш учун давлат тантаналари саройига келишди. Музокаралар ниҳоясида икки давлат бошлиқлари томонидан ўзаро ҳамкорликка оид бошқа қўшма ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Маросим якунида Президентлар журналистлар билан учрашиб, ўтказилган музокаралар якуни хусусида сўзлаб бердилар. Оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Президент Ислом Каримов ва Президент Мирча Снегур шу куни Молдованинг халқ хўжалиги тармоқлари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлари билан учрашди.

Оқшом Молдова Республикаси Президенти Ўзбекистон раҳбари шарафига зиёфат берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Молдова Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

* * *

КИШИНЕВ, 31 март. (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Молдова Республикасига ташрифининг иккинчи куни мамлакат парламентига ташриф буюрди. Ўзбекистон раҳбари бу ерда Молдова парламенти раиси П. Лучинский ва парламент қўмиталари раҳбарлари билан учрашди.

Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишида икки мамлакат парламентлариаро алоқаларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ислом Каримов ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро дўстликнинг, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда илмий соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилганидан мамнуният изҳор этди. Эришилган аҳдномалар Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришини қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Молдова Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Ташриф ниҳоясида Ўзбекистон раҳбари ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегацияни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди.

(ЎзА).

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Индонезия Республикаси Президенти Сухарто 8-10 апрель кунлари Ўзбекистонга расмий ташриф буюради.

ТОШКЕНТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

30 март куни мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари ва туман ҳокимлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, бошқарма ва корпорациялар, концерн ва уюшмалар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётганини ҳақидаги масала муҳокама этилди. Ушбу масала хусусида тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Қисқа вақт мобайнида пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш бўйича муҳим вазифалар муваффақиятли бажарилгани, хусусан, Сағбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой каби кўчаларда амалга оширилган кўп ишлар диққатга сазовор экани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, бузилиши лозим бўлган уйларда яшовчи барча аҳолини янги уй-жойларга ўз вақтида кўчиб ўтишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди, айрим камчилик ва муаммоларга, уларни ҳал қилиш йўлларига эътибор қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами муносабати билан барпо этилаётган иншоотларда бажарилаётган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўлининг очилиши мамлакатларимизни бир-бирига тағин ҳам яқинлаштиради, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон расмий делегациясининг Корея Республикасига ташрифи халқаро ҳаётда катта воқеа бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари Сеулда бўлиб ўтган музокараларнинг асосий мавзусидир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Президент Ким Ен Сам билан муҳим ва самарали суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида асосий халқаро муаммолар бўйича Ўзбекистон билан Корея Республикасининг нуқтаи назари ва тутган йўли ўхшаш эканлиги қайд этилди.

Табиийки, савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалалари Сеул учрашувларининг диққат марказида бўлди.

Ташриф дастурининг муҳим бандлари орасида Кореянинг ДЭУ, Самсунг ва бошқа бир қанча йирик компаниялари вакиллари билан учрашув бор эди. Кореянинг савдо-саноат доиралари Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани билан таништирилди, сармоя соҳасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари тўғрисида самарали фикрлашиб олинди.

Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий мавқеи республиканинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи сиёсий алоқаларини ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятини белгилаб беради. Бизнингча, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш — Осиёнинг шу қисмидаги мамлакатлар бунёдкорлик йўлидан ривожланишининг асосий шартидир, деди Президент. Ҳиндистон, Покистон ва Эрон каби мамлакатлар билан муносабатимизнинг ривожланишига айни шу нуқтаи назардан баҳо берамиз. Ўзбекистон раҳбари саволлардан бирига жавоб қайтарар экан, мамлакатимизнинг Афғонистондаги урушни тезроқ тўхтатиш ва у ерда барқарор вазиятни қарор топтиришдан манфаатдорлигини алоҳида таъкидлади. Кўпгина кенг кўламли режалар, шу жумладан Афғонистон орқали Карачига автомобил йўли қуриш режаси бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг Араб мамлакатлари билан муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Миср пойтахти Қоҳирада республикамиз элчихонаси фаолият кўрсата бошлади, тез орада Саудия Арабистонида элчихона очиш режалаштирилмоқда.

Президент МДҲ доирасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг муҳимлигини таъкидлаб, ўзининг Ҳамдўстликка асос бўлган ҳужжатлардаги қоидаларга оғишмай амал қилиш ниятини таъкидлади. МДҲ имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилгани, бу имкониятлар тегишли даражада ишга солингани йўқ. МДҲга муқобил турадиган турли сиёсий тузилмалар тўғрисидаги гоялар ҳозирги пайтда бутунлай асоссиздир.

МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 10 февралда Алматида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилиш ва бу соҳадаги биргаликда қилинадиган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг қатъий тарафдори эканини баён қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Алматида таклиф этилган МДҲ иштирокчилари бўлган мамлакатлар чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги концепция ва шартноманинг, парламентлараро ассамблеяда иштирок этиш ҳақидаги таклифнинг характери ва мазмунини мақбул эмас, деб ҳисоблади. Биз иқтисодий жиҳатдан жипслашиш тарафдоримиз, ягона божхона макони тарафдоримиз, деди Ислом Каримов, лекин МДҲнинг асосий қоидалари доирасидан четга чиқадиган, миллий тизимлардан устун турадиган тузилмалар, айниқса ҳарбий тусдаги тузилмаларни барпо этишга қатъиян қаршимиз.

Ҳамдўстлик доирасида ҳозиргача барпо этилган умумий ҳуқуқий маконга таяниб, биз ҳозир МДҲ мамлакатлари билан яқиндан икки томонлама ҳамкорлик қилишни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз.

Шу жиҳатдан қараганда, Беларус Президенти А. Лукашенконинг Ўзбекистонга ташрифи муҳим воқеа бўлди. Ташриф чоғида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича имзоланган ўн саккизта ҳужжат ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ва Беларус иқтисодиёти ва халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Россия биз учун давлатлараро муносабатларда энг муҳим бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади, деб таъкидлади Ислом Каримов. Биз Россия билан ҳам ҳукуматлараро асосда, ҳам бевосита хўжалик алоқалари асосида ҳар томонлама алоқаларимизни янада ривожлантириш ниятидамиз. Россия ҳукумат делегациясининг яқиндаги Ўзбекистонга ташрифи натижасида иккала давлат учун муҳим бўлган ҳукуматлараро ҳужжатлар — 1995 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ва молия-саноат гуруҳларини барпо этишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги битимлар имзоланди.

Ўзбекистон МДҲ доирасида ягона божхона маконини барпо этиш жараёнига — Россия-Беларус-Қозоғистон шартномасига қўшилиш истагини расмий равишда изҳор қилди.

Ўзбекистон бир минтақадаги давлатларнинг бир-бирига яқинлашувини янада ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир. Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг Туркманистондаги Тошҳовуз шаҳрида ўтган учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Олий даражадаги учрашув иштирокчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммолари бўйича халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар, бу олампшумул муаммони ҳал этишда жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдорлик билан иштирок этишидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар республикада сармоя солиш учун қулай шароит яратиш билан боғлиқ, деди Президент. Бу ҳақда хусусан савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг яқинда — март ойида бўлиб ўтган мажлисида гапирилди, унда Ўзбекистондаги вазият сармоялар киритиш учун жуда қулайлиги таъкидланди.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ўзаро муносабатларимиз ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Биз бунга катта аҳамият берамиз. Февраль ойининг охирида Парижда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси Жаҳон банки фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси бўйича маслаҳат гуруҳининг биринчи мажлисида иштирок этди. Ҳукуматнинг ислоҳотлар дастури, шунингдек, Ўзбекистоннинг сармоявий ва техник ёрдамга эҳтиёжи ва бу ёрдамнинг устивор йўналишлари 18 ҳукумат ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан муҳокама қилинади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сармоядорларнинг ислоҳотларга кўмаклашиш учун Ўзбекистонга киритиш мажбуриятини олган сармоя миқдори қарийб 1 миллиард долларни ташкил этади.

Бош шиори бутун инсоният манфаатлари йўлида хизмат қилиш бўлган Давосдаги ҳар йилги учрашувлар жаҳондаги ижобий жараёнлар ва воқеаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ўзбекистон бу анжуманларнинг доимий иштирокчисидир.

Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда Савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда ҳақли равишда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакатдаги ваколатхонасига ҳам айланиб қолди.

Жамиятимизнинг очиқлиги, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг тобора чуқурлашаётгани янги давлат қурилишининг стратегик йўналиши ҳисобланади, деди Президент. Олдинги учрашувимиздан кейин ўтган даврда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш,мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини кучайтириш бўйича дастурлар қабул қилинди. Бу жараён 2-3 йил ичида ниҳоясига етади. Шундан кейин хусусий сектор иқтисодиётимизда асосий ўринни эгаллайди.

Мамлакатимиз барқарорлик устиворлиги хусусий мулкчилик негизида қурилган бозор муносабатларини чуқурлаштириш устиворлиги билан ўрин алмашган янгиланишларнинг навбатдаги босқичига қадам қўйди. Тегишли фармонлар, қарорлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштиришни таъминлаш ҳақида» ва «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Бу ва қабул қилинган бошқа ҳужжатлар савдо инфраструктураси тараққиёти ва хусусий тузилмаларга хорижий капиталнинг оқиб келишига кўмаклашади.

1994 йилнинг бошидан буён республикада 50 мингдан ортиқ корхона мулкчилик шаклини ўзгартирди. Саноатда хусусийлаштиришни амалга ошириш дастуримиз кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳага катта ўрин берилган. Бу соҳада давлатга қарашли бўлмаган хўжаликларнинг салмоғи тобора кўпайиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, ҳозир мамлакатда гўштнинг 70 фоизини, сутнинг 80 фоизини, картошканинг 60 фоизини давлатга қарашли бўлмаган хўжаликлар етиштирмоқда.

Дон мустақиллигига эришиш ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ана шу янги имкониятларни ҳисобга олиб белгиланган. 1994 йилда 2 миллион 170 минг тонна галла, маккажўхори ва шоли етиштирилди. Четдан дон келтириш икки баравар камайди. Бу йил 3 миллион 300 минг тонна дон етиштириш режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш — республика энергетика мустақиллигини таъминлашдир. Нефт ва газ конденсати қазиб чиқариш 1991 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. Илгари республикага 4,5 миллион тонна нефт келтирилган бўлса, бу йил биз харид қиладиган нефт 750 минг тоннадан ошмайди.

Бошқа қайси мамлакат четдан ёрдам олмасдан туриб ўз валютасига ўтди? — деди Президент. Ўзбекистондан ташқари бирорта мамлакат ҳам халқаро молия ташкилотларининг ёрдамисиз ўз валютасини жорий эта олмади. Қисқа муддатда миллий валютамизни барқарорлаштиришга эришдик. Ўзларингиз мамлакатимизда яшаб, кўриб турибсизлар: пулнинг қадрсизланиши суръати икки баравар камайди. Бу жараённи мустаҳкамлаш учун, деди давлат бошлиғи, биз ҳозир банклараро валюта биржаси оборотини 1,2-1,5 миллиард доллар атрофида таъминлаш чораларини кўряпмиз. Барча МДҲ мамлакатлари билан молиявий ҳисоб-китобларда ижобий қолдиққа эгамиз. Шунинг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Ислом Каримов мамлакатдаги сиёсий вазиятга баҳо бериб, Олий Мажлисга сайлов республика ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг янги босқичи бошланган даврга тўғри келганини таъкидлади. Сайлов жамиятимиз сиёсий маданияти янги даражага кўтарилганини, сайловчиларнинг юксак фаоллиги ва фуқаролик бурчини англашдаги етуклигини намойиш этди.

Бу гап демократия қоидаларига мувофиқ равишда депутат мандати учун курашган сиёсий партияларнинг вакилларига ҳам, сайлов натижаларини жаҳон ҳамжамиятига етказган 85 кузатувчи сафида бор эди.

Шу ўринда республикамизда ишлаётган айрим журналистларга бироз таъна қилмоқчиман, деди Ислом Каримов. Улар салбий ҳодисалар ҳақида иштиёқ билан хабар қилишади-ю, нима учундир, ижобий ўзгаришларни сира кўргилари келмайди. Ахир бизда бундай ўзгаришлар кам эмас. Яхши жараёнларни рағбатлантириш, ана шу яхшилик куртакларининг ўсиб-улғайишига ёрдам бериш керак-ку ахир!

Бўлиб ўтган умумхалқ Референдуми тўғрисидаги фикрим ҳаммангизни қизиқтирса керак, деди сўнгра Президент. Унинг аҳамияти ва моҳияти нимада эди?

Энг аввало, Референдум ўтказиш ташаббуси халқ томонидан сайланган ва ўз қарорида Конституцияга асосланган парламентдан чиқди. Шу сабабли, мазкур тадбирнинг қонунийлиги заррача ҳам шубҳа туғдирмайди.

Ўз миллий давлатчилигини қураётган, ҳокимиятнинг сифат жиҳатидан янги сиёсий тузилмаларни барпо этаётган Ўзбекистон учун Президент билан парламент ваколатлари муддатидаги номутаносибликни бартараф этиш, ижроия ҳокимияти, қонун чиқарувчи ҳокимият ва бутун халқ ҳаракатлари бирлигини таъминлаш ғоят муҳимдир. Ўтказилган Референдумнинг моҳиятига айни шу жиҳатдан қарамоқ керак.

Бир қанча шарҳчилар Референдум якунларини менинг шахсий ютуғим деб баҳолашди.

Мазкур ҳолда гап Президент шахси тўғрисида эмас, балки, аввало, халқимизнинг республика сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган катта ўзгаришларга муносабати, одамларнинг республика Президенти ва ҳукумати ўтказаётган сиёсатга муносабати ҳақида бўлиши керак.

Яширмаймиз: ҳозир биз бошимиздан қийинчиликлар кечираётганимиз тўғри. Лекин халқимизнинг ўзгаришлар зарурлигини ҳис этиши, бу ўзгаришларни янада давом эттиришга тайёрлиги ҳам ҳақиқат. Референдум буни ишонарли равишда тасдиқлаб, бизга халқ ишончи мандатини топширди ва танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигига ишончимизни мустаҳкамлади, деди пировардида Ислом Каримов.

Президент журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда республика ташқи ишлар вазири А. Комилов, Президент матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст иштирок этдилар.

(ЎзА).

Ислоҳот одимлари

ИЗЛАНГАН ИМКОНИЯТ ТОПАР ЭКАН

Чиноз туманидаги 5-Олмазор автомобиль таъмирлаш корхонаси ислоҳотлар йўлидан дадил бормоқда. Корхона очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлангач, автомобилларни таъмирлаш билан биргаликда 50 дан ортиқ автомобиль эҳтиёт қисмлари, шунингдек, 40 турдан ортиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

БУГУНГИ кунда жойларда ислоҳотларнинг қай даражада амалга оширилиши кўп жиҳатдан раҳбарнинг малакасига, ташаббускорлигига, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги ва ташкилотчилигига боғлиқлиги тўғрисида кўп гапирилмоқда. Дарҳақиқат, ана шундай кишилар бош бўлган жойда иш тезроқ олға боришини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турипти. Бунга Чиноз туманидаги 5-Олмазор автомобиль таъмирлаш корхонаси, айни пайтда «Ўзавтотранспортсервис» республика ихтисослашган компаниясига қарашли «Чинол» очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхонада амалга оширилаётган ишлар яққол мисол бўла олади.

Корхона раҳбари Абдуманноп Абдуллаев билан суҳбатлашар эканмиз, у гапни бошқа раҳбарлар қатори муаммолар ёки қийинчиликлардан бошламади. Аксинча, бугунги кун шароитидан келиб чиқиб, ишни қандай ташкил этиш, амалга оширилаётган тадбирлар, келгуси режалар тўғрисида кўпроқ фикр билдирди. Албатта, бу корхонанинг ҳам муаммолари аслида етарли. Республикалар ўртасидаги алоқаларнинг издан чиқиши, айниқса, енгил автомобилларни капитал таъмирдан чиқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Яширадиган жойи йўқ. Бу корхона илгарилари асосий эҳтиёт қисмларни Россия ва бошқа мамлакатлардан олиб келган.

— Халқимизда инсон қилган ишни одам қилади, деган гап бор, — дейди Абдуманноп Абдуллаев, — қараб ўтирсак ишчиларимизни иш билан таъминлаш уёкда турсин, корхонанинг бутунлай тўхтаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Маслаҳатлашдик, мутахассисларни, техник олимларни жалб этдик. Шу тариқа дастлаб автомобилларга зарур бўлган оддий эҳтиёт қисмларни ўзимизда тайёрлай бошладик. Секин-аста яна қатор таъмирталаб эҳтиёт қисмлар ва мосламалар тайёрлана бошлади. Қўйинг-чи, бугунги кунда 60 га яқин турли автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари Чинозда, яъни бизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилмоқда.

Фақат бугина эмас, раҳбарлар корхона қошида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи бўлинмалар, цехлар ташкил этишни ривожлантирдилар. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар хилма-хил ва бир-бирига ўхшамаган товарлардир. Масалан, бир цехда хонадонларга зарур бўлган газ печлари, газ кранлари, грелкалар тайёрланаётган бўлса, иккинчи бир бўлинмада ўзимизнинг миллий сўри — кроватларимиздан тортиб эшик қулфлари, болалар арғимчоқларигача ишлаб чиқарилмоқда. Яна бир цехда турли белкураклар, сабзавот, мева майдалагичлар, металлдан тайёрланган эшикларни харид қилиш мумкин. Мана, етти-саккиз ойдирки, корхона қошида очилган яна бир бўлинмага аҳолидан кўрпача, ёстиқ ва бошқа зарур маҳсулотлар тайёрлаб бериш учун буюртмалар тушмоқда.

— Биз халқимизнинг эҳтиёжини ўрганиб бораяпмиз, — дейди корхона раҳбари. — Келажакда аҳоли учун зарур бўлган янги товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб бораверамиз. Энг муҳими биз ўзимизда етиштирилган халқ истеъмоли молларини аҳолига кенгроқ етказиб бериш мақсадида Чиноз шаҳрида фирма дўконимизни очдик. Дастлабки кунларданоқ «Чинол» дўконимизга харидорлар кўплаб кела бошлашди. Демак, асосий мақсадимизга эришдик, деб ўйлайман.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўғини — яъни автомобилларни таъмирлаш масаласига келганда шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда улар қўшни мамлакатлар билан алоқанинг янги йўлларини излашмоқда. Хусусан, маҳсулотларни айирбошлаш ҳисобига Россия ва бошқа республикалардаги автомобил корхоналаридан зарур эҳтиёт қисмларни олиб келишмоқда. Корхона қошида ташкил этилган сервисларда автомобилларга хизмат кўрсатилмоқда. Келажакда бундай сервислар қўшни туманларда ҳам очилади.

Ҳа, ислоҳот ишлаяпти. Унинг мазмун-моҳиятини тушуниб етган жамоаларда эса у аллақачон ўз йўлини топиб олди. Шуниси энг катта ютуғимиздир.

М. ФАТТОҲОВ.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг ишлаб чиқариш цехларида; мана шу халқ истеъмоли молларининг барчаси (пастда) шу ернинг ўзида тайёрланган.

Даврон АҲМАД олган









Фармон ва ижро

«ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ОЛТИН ҚАЛАМИ»

«Бизнес-матбуот» — Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган энг яхши мақолалар, эшиттириш ва кўрсатувлар учун республика танловининг шиори ана шундай. Танловни Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармаси Президент Ислом Каримовнинг йил бошида эълон килинган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ шу фармонни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни кучайтириш учун уюштирган.

Тошкентда бўлиб ўтган танлов шартлари билан таништириш маросимида ана шу жамғарманинг Бош директори Дилшод Камолов эълон қилинган бу тадбир фақат тарғибот мақсадларини кўзда тутмаслигини, у Президент фармонида ўртага қўйилган ва республикада ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тезлаштириш, иқтисодиётни бозор муносабатлари изига кўчириш учун ҳозир жуда катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларни муваффақиятли бажаришга амалда фаоллик билан ёрдам беришга қаратилганини таъкидлади. Танлов иштирокчиларидан фармон қоидаларини кенг ёритиш ва тушунтириш, Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш, бу сохага ташаббускор, чинакам истеъдодли одамларни кўпроқ жалб этиш мақсадида тадбиркорлик ишининг обрўси ва нуфузини ошириш талаб қилинади.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика газеталарида, журналларда, радио ва телевидениеда ишлаётган профессионал журналистлар, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикалари ва олис хориждаги журналистлар танловда иштирок этишга таклиф этилди. Улар «Тадбиркорликнинг олтин қалами» деб аталган бу ижодий беллашувга очерклар, репортажлар, суҳбатлар, корреспонденциялар ва бошқа жанрлардаги асарларини тақдим этадилар.

«Тадбиркорлик — долзарб мавзу» бўлими танловда газета ва журналлар, телевидение ва радио таҳририятлари жамоалари шу мавзудаги материаллари билан иштирок этишини кўзда тутади.

Республиканинг етакчи журналистлари ва тадбиркорликка кўмаклашувчи жамғарма вакилларидан тузилган ижодий беллашув ҳакамлари, аниқроқ қилиб айтганда — экспертлар комиссияси журналистларнинг 30 мартдан 1 июнга қадар матбуотда эълон қилинган, телеэкранда кўрсатилган ёки радиода эшиттирилган асарларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун қабул қилади.

«Тадбиркорликнинг олтин қалами» лауреатлари учун етти, беш ва уч минг сўмдан иборат учта мукофот таъсис этилган. «Тадбиркорлик — долзарб мавзу» беллашувида энг яхши деб топилган 3 та таҳририят жамоаси ўттиз, йигирма ва ўн минг сўмлик мукофотлар билан тақдирланади.

Танлов якунлари июнь ойида — журналистларнинг анъанавий касб байрамида эълон килинади ва ғолиблар мукофотланади.

А.БАРАНОВ,
ЎзА мухбири.

Кутлов

ШАРҚШУНОСЛАРИМИЗ САРДОРИ

Убайдулла Каримов асли кимёшунос олим, лекин шарқшунос-арабшунос сифатида машҳур бўлдилар. Ҳозир академиямизнинг Шарқшунослик институтида энг камтарин инсон десангиз ҳамма бир оғиздан Убайдулла акани кўрсатишади. Институтда Убайдулла акага ўхшаган хокисор одамлар анчагина бор, лекин Убайдулла аканинг ўрни бошқа. Илм соҳасида кўзга кўринган олимлар кўп, лекин илмда обрў-эътиборда Убайдулла аканинг мавқеи кенг.

Убайдулла ака дастлаб мамлакатга розийшунос сифатида танилдилар. Ундан кейин синошунос, кейин берунийшунос сифатида ном қозондилар. Бу кишининг ана шу соҳаларда бажо келтирган ишлари салмоқли, арзигуликдир.

Убайдулла ака Каримов 1920 йил 1 апрель куни Тошкентда таваллуд топганлар. Ўрта мактабни битириб, Ўрта Осиё индустриал институтининг кимё технологияси факультетига ўқишга кирадилар. Бу ерда муҳандис-технолог ихтисосига эга бўлдилар. 1941 йили фронтга отландилар. Урушдан ярадор бўлиб қайтгач 1942-1944 йиллар мобайнида ўзлари битирган факультетда ассистент бўлиб ишладилар.

1944 йили Убайдулла Каримов таржимаи ҳолида ўзгариш юз берди. Бу вақтларда Ўрта Осиё Давлат Университети қошида Шарқ факультети очилди. Убайдулла ака индустриал институтида дарс бериш билан бирга Шарқ факультетига кириб ўқидилар. 1949 йили университетни муваффақият билан тугалладилар. Университетни битиришдан бир йил олдин Политехника институти дипломи билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтига аспирант бўлиб ҳам кирдилар. Бир неча йил университетда форс тилидан дарс олиб бордилар.

1952 йилнинг май ойидан бошлаб Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, аввал, кичик, кейин катта илмий ходим лавозимларида ишладилар. 1953 йили У. Каримов Шарқда энг аввалги табиб ва кимёгарлардан бири бўлган Абу Бакр ар-Розий (865-925)нинг ҳали фанга номаълум бўлган «Сирлар сири китоби» («Китоб сирр ал-асрор»)нинг кимёга оид бошқа асарлари қиёсида» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлаб, 1957 йили монография сифатида нашр этдилар.

Бу асар тарихи ўзи қизиқ бўлган. Розийнинг «Сир китоби» ва «Сирлар сири китоби» бўлган. Лекин шарқшунослик ва фан тарихи билан қизиқадиган олимларнинг кўпчилик қисми, шунингдек, Шарқ мамлакатларидаги олимлар ҳам Розийнинг «Сирлар сири китоби» йўқ деган фикрга келган эдилар. Аммо Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида бу иккала китоб: «Сир китоби» ва «Сирлар сири» китоби кетма-кет жойлашган қўлёзма бўлиб, бунда ўша номаълум асар сақланган экан.

Убайдулла аканинг араб тили домласи аллома Содиқ Мирзаев унинг эътиборини бу қўлёзмага тортади. Сиз, кимёгар олим, мана шунга аниқлик киритасиз, деганлар. Убайдулла ака ана шу асарни ишлаб чиқиб бунинг уддасидан чиқдилар.

1959-1975 йиллар шу институтнинг «Шарқ қўл-ёзмаларини тавсифлаш ва каталоглаштириш», кейин 1975-1978 йиллар орасида «Шарқ ёзма ёдгорликларини ўрганиш ва нашр этиш» бўлимини бошқариб келдилар. 1988-1990 йилларда институтнинг етакчи илмий ходими, 1990 йилдан то ҳозирги кунгача институтнинг бош илмий ходими лавозимида ишлаб келмоқдалар. Бу кишининг илмий фаолият доираси Шарқда кимё фани, доришунослик, табобат тарихи соҳаларини қамраб олган.

Убайдулла Каримов узоқ муддатдан бери Абу Али ибн Сино меросини ўрганишга тутинганлар: тадқиқотлар олиб бориб, таржималар қилганлар. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»нинг русча ва ўзбекча таржимасида Убайдулла Каримов иштироки катта. Русча таржимада 52 босма табоқ, ўзбекча таржимадан 33 босма табоқ бу киши қаламига мансуб, яна шуниси ҳам борки, 280 босма табоқдан иборат ўзбекча таржимага ҳам муҳаррирлик қилганлар. 1980-1982 йиллар орасида нашр этилган «Тиб қонунлари» асарининг иккинчи нашри ҳам тўла-тўкис у кишининг таҳририда тузатилиб, нашр этилган.

1985 йили У. Каримов «Қонун»нинг 67 босма табоқдан иборат рус тилидаги сайланмаларини (Э. Хуршут билан ҳамкорликда) чоп этди, бу сайланмалар 1994 йили яна икки жилд бўлиб нашр этилди. У. Каримов Ҳ. Ҳикматуллаев билан бирга «Қонун»ни ҳаммабоп қилиб ўзбек тилида уч жилдлигини ҳам тайёрлади.

У. Каримовнинг бу соҳада олиб борган ишларига тўхталганда 1980 йили Зиёвуддин Бобохонов билан ҳамкорликда ибн Синонинг соғлиқни сақлашга оид рисоласини рус тилида, 1987 йили эса Ҳ. Ҳикматуллаев билан ҳамкорликда Ибн Синонинг ўн бир рисоласини «Тиббий рисолалар» номи билан ўзбек тилида нашр этганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир.

Суратда: У. Каримов шогирди билан.

Убайдулла акани берунийшуносликнинг дарғаси дейишга тўла асосимиз бор. Чунки улар «Китоб ас-Сайдана» асари асосида докторлик диссертацияси ёқлаганлар, кейин бу асар рус тилида Беруний сайланмаларининг тўртинчи улкан бир жилди сифатида 1973 йили улуғ алломанинг минг йиллик юбилейига нашр этилган.

Бу китоб Абу Райҳон Берунийнинг умрининг охирида ёзилган энг сўнгги асари эди, муаллиф уни кўнгилдагидай қилиб тайёрлашга улгурмай қолган эди. Ғарбу Шарқда бу асарга қўл урганлар кутилган натижага эришолмай, бирор хулосага келолмаган эдилар. Лекин Убайдулла Каримов бундай мушкул ишга қўл урдилар ва кўп манбаъларни ўрганиб, муаллиф қолдирган қўл-ёзмага рўбару бўлдилар ва улардан Беруний демоқчи бўлган фикр-андишаларни рўёбга чиқардилар. Бу билан ҳам устод Абу Райҳонга, ҳам ўзларига улкан бир ёдгорлик, китобдан «ҳайкал» қўйдилар!

1993 йилда эса ўзбек шарқшунослиги илмий мактабини яратган устод олимнинг кўксини ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида таъсис этилган биринчи рақамли Захириддин Муҳаммад Бобур олтин медали безади. Бу юксак мукофотни Убайдулла акага юртбошимиз Ислом Каримовнинг шахсан ўзлари топширган эдилар.

Офарин бу камтарин олимимизга! Кўп йиллар омон бўлсинлар, етук чоғларида кўп етук ишлар бажо келтиришларига умидвормиз.

Абдусодиқ ИРИСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

ТЕКИС ЕР — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Олим минбари

СУҒОРИЛАДИГАН ерларда деҳқончилик қилиш билан боғлиқ юмушлар мажмуида ер текислаш ишлари катта аҳамиятга эга. Айни чоғда бу тадбир экинларни суғоришга яхши шароит яратишнинг муҳим шарти ҳамдир. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ерларни сифатли текислаш экинлар парваришини тўла механизациялашга, бошқа агротехника тадбирларини оби-тобида ўтказишга ва шу йўл билан ҳар гектар пахта майдонидан олинадиган ҳосилни камида 5-7 центнер оширишга имкон беради.

Тупроқнинг шўрланишига қарши курашда ҳам далаларни текислашнинг аҳамияти катта. Чунки шўр ювишнинг сифатли ўтказилиши ернинг яхши текисланганлигига бевосита боғлиқдир. Карталар равон текисланган бўлса, далада тупроқнинг бир текис намланиши туфайли сув сарфи текисланмаган карталардагига нисбатан 2-2,5 баравар кам бўлади.

Текисланган ерларнинг асосий афзал томони шундаки, бундай майдонларда эгатлар орқали сув қўйиш мумкин бўлади, бу эса сувчилар меҳнат унумдорлигини оширади, ёпиқ суғориш тармоқларини қуришга ҳожат қолмайди. Бинобарин, анчагина маблағ тежаб қолинади. Яхши текисланган далаларда бир кунда 1,8-2 гектар, нотекис ерларда зўрға 0,3-0,5 гектар ерни суғориш мумкин. Текис карталарда тракторчи экиш ва культивация вақтида бир кунда бир ярим-икки норма иш бажара олади. Ғўза парвариши вақтида мавжуд механизмлардан унумли фойдаланиш мумкин. Бундай карталар суғорилгандан сўнг бир текис етилади, қатор ораларини сифатли юмшатиш учун шароит туғилади, ниҳолларга зиён етмайди.

Текислаш ишларини барча майдонларда бир йил ичида ва айниқса бир мавсумда тугаллаш мутлақо мумкин эмас. Иш олиб бориш учун маълум ер участкаси ва бўш техника ҳамда ишчи кучи етарли бўлган тақдирдагина ер текислаш ишлари билан мунтазам шуғулланмоқ керак. Ер текислашга кетган меҳнат сарф-харажатлари суғориш, экинни парвариш қилиш вақтидаги тежам, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиниши ҳисобига қопланиб кетади.

Суғориладиган деҳқончиликда сув асосий омилдир. Мўл ҳосил олиш учун сувни бутун пайкалга тўғри ва текис тараш керак бўлади. Бундан ташқари тупроғи шўрланган минтақаларда шўр билан бирга зарарли тузлар ҳам сув ёрдамида ювилиб кетади. Қадим замонлардаёқ деҳқонлар далаларни сув яхши оёқлайдиган қилиб мослаганлар. Бунинг учун аксарият ҳолларда пол ва марза олганлар, бошқа вақтда суғориладиган карталарни текислаганлар ёки бутун пайкалнинг баланд-пастлигига қараб жўяк олганлар.

Ҳозирги пайтда барча турдаги экинларни намга қондиришнинг энг яхши усули майда эгатлар олиб суғориш ҳисобланади. Пахтачилик илмий-текшириш институти (СоюзНИХИ)нинг олимлари экинни майда эгатлар орқали суғоришнинг афзалликларини тўла исботлаб беришган. Бу усулда суғориладиган майдонлар тупроғидаги фойдали бактериялар тез ривожланади ва ўғитлар яхшироқ ўзлаштирилади. Эгатларга найчалар орқали сув қуйиб суғоришда ҳосилдорлик бошқа усулдаги суғоришга нисбатан 15-30 фоиз ва ундан ҳам кўпроққа ортади. Эгат олиб суғориш учун далаларни меёрида текислаш, баланд-пастликларни йўқотиш ҳам сувнинг бир текис оқишини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга.

Текисланган ерларда сув сарфи бирмунча оз, суғориш сифати яхши бўлади. Баланд-пастликлар йўқлиги сабабли; сув бир текис оқади ва кўллаб кетмайди. Суғориш учун кетадиган вақт ҳам тежалади, сувчининг меҳнати ва иш шароити ҳам анча енгиллашади. Бунинг акси, нотекис ерлардаги пасқатламликларда ер етилгунча тепалик жойлардаги тупроқнинг нами кўтарилиб кетади, парваришда мутаносиблик бузилади. Тупроқнинг нами қочган жойларда культиваторнинг ишчи органлари тез ейилади, ортиқча меҳнат сарф бўлади. Энг ёмони, кесак кўчиши юз беради. Натижада тупроқдаги намнинг буғланиши кучаяди.

Тупроқ етилган вақтда экин қатор ораларини дарҳол юмшатиш керак. Шундагина ердаги намнинг кўтарилиши камаяди. Буни ҳисобга олмаган деҳқон сувни ортиқча сарфлаб, экинни қайта-қайта суғоришга мажбур бўлади, меҳнат самараларини бой бериб қўяди.

Тажрибалардан маълумки, текис ерларда ҳосилдорлик нотекис ерларга қараганда анча юқори. Чунончи, текисланган ер майдонларидан нотекис ерларга нисбатан биринчи йили 2,3, иккинчи йили 6,2, учинчи йили 5,5 центнердан қўшимча беда ҳосили олиш мумкин. Бундай қонуният бошқа экин турлари учун ҳам хосдир. Шундай экан, далаларни текислаш ҳосилдорликни оширишда энг муҳим агротехник тадбир эканини сира унутмаслик керак.

М.АҲМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор.

ТОЗАЛИК, ЭҲТИЁТКОРЛИК, МУҲОФАЗАГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Янгийўл шаҳридаги ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятида экология, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги бўйича республика амалий ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Бу анжуманда шу тармоққа дахлдор 17 корхона мутахассислари, муҳандислар иштирок этдилар.

—Ҳозирги пайтда атроф муҳитнинг софлигини таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнида техника носозлиги туфайли рўй берадиган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин хавфига йўл қўймаслик масалалари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор талаб этмоқда,— деди республика халқаро «Экосан» жамғармаси раиси Ю.Шодиметов — бу шунинг учун ҳам муҳимки Президентимизнинг республикамиз Олий Мажлиси сессиясидаги маърузаларида экология муаммосига алоҳида тўхталинди. Хусусан юртбошимиз дунёда экологик танглик хавфи мавжудлигини таъкидлаб бундан зарур хулоса чиқариб олиш кераклигини қайд қилдилар. Биз ўз вазифаларимизни ана шундан келиб чиқиб белгилашимиз керак.

Йиғилишда сўзга чиққанлар анжуман кун тартибига қўйилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Вазифалар белгилаб олинди.

Сўнгра йиғилиш иштирокчилари ҳиссадорлик жамиятининг атроф муҳит софлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза этиш, ёнғин хавфига йўл қўймаслик борасидаги амалий ишлари билан танишдилар.

Анжуманда вилоят ҳокими муовини Ҳ. Асадов ва бир қатор вазирликларнинг бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Ш. ОБИДОВА.

TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 3

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб...»
18.45 «Таълим — мустақиллик пойдевори».
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармон ва ижро».
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Насрулло Қобил. «Амир Музаффар». Видеоспектакль. 1-қисм.
22.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Нурафшон».
23.35 — 24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Экология ва ҳаёт».
19.30 «Деҳқон ҳиммати».
20.00 «Само остидаги юлдузлар».
20.40 — 21.50 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Зор-интизор». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мулькарусель».
18.55 «Ишбилармон».
«ОМАД» таништиради:
19.15 «Совға».
19.45 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.05 Жаҳон географияси.
20.55 Эълонлар.
21.00 Видео—«О».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Курьер».
23.05 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.15 «Постфактум».
23.20 — 23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Шеърият альбоми».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.00 «Агар...» Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.05 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал. 3-фильм.
22.00 Владимир Максимовни хотирлаб...
22.40 — 23.15 «Барча юлдузлар» кабареси.

СЕШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Баҳорги олимпиада ёки Хор бошлиғи». Бадиий фильм.
9.10 «Халқ хизматида». Телефильм.
9.30 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
10.00 Немис тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Тадбиркорлик мактаби».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 — 14.00 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Тараққиёт».
18.55 «Гул кўп, чаман кўп».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хотира». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мусиқий қадриятларимиз». «Мерос» халқ чолғулари ансамбли (Андижон).
22.15 Насрулло Қобил. «Амир Музаффар». Видеоспектакль. 2-қисм.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
19.15 Янгиликлар.
19.20 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.05 Видеогид.
20.25 «Теле-ателье-шоу».
20.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.55 — 23.15 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мулькарусель».
18.55 «Бозор иқтисоди сабоқлари».
19.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 «Менинг маҳаллам».
21.30 «Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлида».
22.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.20 — 23.00 «Барча юлдузлар». Билли Холидей.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Тирикларни чорлайман...» «Тўртинчи». Бадиий фильм («Мосфильм», 1972 й.).
22.05 «Талқин».
22.25 — 22.55 «Гол».

ЧОРШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Коинот гражданлари». Бадиий фильм.
9.05 «Кафолат».
9.30 «Диёр тароналари». Концерт.
10.00 «Кичкинтой» студияси. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
12.00 — 14.00 «Ёшлик» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.40 «Нон таъми».
19.00 «Тилга эътибор...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Спорт хабарномаси.
20.05 «Хонанда билан учрашув». Козим Қаюмов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Сирдарё вилояти.
22.10 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 — 00.10 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Шоҳсупа сари» (рус тилида).
19.00 «Ёнингдами, дўстим...»
19.15 «02» тўлқинида.
19.40 «Тошкент оқшомида».
20.40 — 22.20 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мулькарусель».
19.00 «Баҳор манзаралари».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
«ОМАД» таништиради:
20.20 — 23.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 1995 йил қўшиқлари.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Оила бахт-саодати учун». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Талқин».
22.40 — 23.00 «Джаз мусиқаси оламида».

ПАЙШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
9.20 «Беллашув». Телефильм.
9.30 Инглиз тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Саломат бўлинг!»
11.20 «Ҳайкалтарош». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.20 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Фахрийлар — фахримиз».
13.10 «Анбар Отин». Таваллудининг 125 йиллигига бағишланади.
13.55 — 14.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Чаман» гулдастаси.
18.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
19.10 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-шоу». Телетанлов ўйинлари.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Миллионлар минбари».
22.10 «Бир жуфт қўшиқ».
22.20 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55 — 00.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.25 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.45 «Теле-ателье-шоу».
19.55 Видео янгиликлари.
20.20 Янгиликлар.
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 — 23.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мулькарусель».
18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Қалб ҳарорати».
22.15 — 23.45 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Пари-Сен-Жермен» (Франция) — «Милан» (Италия). Франциядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Бавария» (Германия) — «Аякс» (Голландия). Германиядан кўрсатилади.
21.30 — 21.40 «Талқин».

ЖУМА, 7

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Дон-Кихотнинг фарзандлари». Бадиий фильм.
9.05 «Ҳуррият Исроилова куйлайди». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»)
9.35 «Баҳорги юмушлар».
10.00 Ёшлар билан юзма-юз.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 «Болалар меҳмонхонаси».
12.30 — 13.20 «Ўзингни эр билсанг...»
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Жаҳон саломатлик кунига бағишланади.
18.55 «Бугунги Индонезия».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Жаҳон киносининг 100 йиллигига. «Аср мўъжизаси». Кинокўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Мақом кечаси.
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Тақдир эшиги». Бадиий фильм.
23.35 — 24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун фильм.
19.10 «Билиб қўйган яхши».
19.35 «Баҳор нашидаси».
19.50 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
20.20 «5+1».
20.55 — 22.45 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Нормандия — Неман». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мулькарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
20.15 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Панорама».
21.00 «Компьютер-Осиё».
21.30 «Даракчи».
21.40 Эълонлар.
21.45 — 23.25 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 8.00 «Телетонг».
***
18.00 В. Городовский асарларидан концерт.
18.25 Рудольф Нуриев. Портретга чизгилар.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал. 4-фильм.
21.45 — 22.00 «Талқин».

ШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Зимородок». Бадиий фильм.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
10.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ой бориб, омон қайтганлар». Адабий кўрсатув.
11.00 «Ороллар бағридаги Бангкок».
11.30 — 13.30 «Тимсол» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб...»
18.40 «Мусиқа жавони» саҳифаларида.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Улуғбек ёндирган юлдузлар». Телефильм.
20.05 «Романс кечаси». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдухалил Абдуқодиров куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
22.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
9.45 Янгиликлар.
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.35 Видеогид.
10.55 «Теле-ателье-шоу».
11.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 «Кинонигоҳ».
13.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
13.45 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Глобус».
19.40 Мусиқий жилолар.
20.10 «Элас».
21.10 — 22.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Дўстлик чегара билмайди».
10.40 «Дўстларимиз сайёраси».
11.20 — 12.05 «Адолат».
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мулькарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Ғазалхон ёшлигим».
19.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
20.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.40 «Чинсэн».
21.20 «Сахий хонадонда».
21.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.30 — 23.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Наврўз».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
18.05 Ёдимизда қолган фильмлар. «Қанотлар». Бадиий фильм («Мосфильм», 1966 й.).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Дюраннинг қарғиши». Телесериал. 5-фильм — якунловчи.

ЯКШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Қувноқ старлар».
9.00 Мультфильм.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Санъат олами».
11.00 Эстрада қаҳвахонаси.
11.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Нефтчи».
12.20 — 13.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Мозийга бир назар».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Темур ва Темурийлар». Кинодастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Ватанни севмоқ иймондандир...»
22.35 Дам олиш концерти.
23.10 — 23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.55 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.15 «Теле-ателье-шоу».
11.25 Видео янгиликлари.
11.50 Янгиликлар.
11.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 «Кинонигоҳ».
14.20 — 14.40 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»)
***
17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Панорама».
22.15 «Салом, ёшлар!»
23.00 «Даракчи».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 00.55 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кучам».
10.35 «Олтин атиргул» ғори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Италия), 11-серия (рус тилида).
11.25 «Маски-шоу».
11.40 «Кинематограф».
13.20 — 13.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Ёшлик» студияси. «Аскар мактублари».
19.20 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Олмониянинг олтин хазиналари».
21.00 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 «Юксалиш».
22.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
23.00 «Бу ажиб дунё».
23.20 — 23.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Юзма-юз».
18.30 «Дўстлар парадизи».
19.10 Жерар Депардье «Отам — жазманим» кинокомедиясида (Франция, 1991 й.).
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 — 23.30 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 1-серия (Польша телевидениеси, 1988 й.).

КУЛГАН ИНСОН — ҚАРИМАС, КЎНГЛИДАН НУР АРИМАС

«МАРБИЯ»

(ҳажвия)

ХОТИНИМНИНГ ўғлим тўғрисидаги «лекция»сини тинглаб, «эртага, албатта, мактабига бормасам бўлмайди» деган қарорга келдим. Муштдай боши билан дарсдан қочишни ўрганганмиш, сумкасида сақич, ишкалат, милтиққа ўхшаб пақиллайдиган ўйинчоқлар пайдо бўлаётганмиш, яна бошқа алламбало гаплар...

Аёл зоти игнадай нарсани туядай қилиб кўрсатмаса, ҳисобмас. Аввалига ўғлим тўғрисидаги гаплар арзимаган бир нарса бўлса керак, деб ўйлагандим. Ахир, ҳозир қайси бола сақич чайнамайди?!

Айни дарс вақтига келиб қолибман шекилли, мактаб ҳовлиси тинч-осойишта зди. Қўнғироқ бўлишини кутиб, сигарет чекиб турсам, ердан чиқдими, осмондан тушдими, ёнимда бир бола пайдо бўлди. Эгнида чарм курткача, оёғида «Адидас» деб ёзилган кросовка... Ҳе йўқ, бе йўқ кела солиб, менга қўлини чўзди:

— Саломалайкум!

Саломига алик олиб улгурмасимдан, гапни қаторлаштириб ташлади. Орада қўшиб қўйди:

— Амаки, қолдиринг!

— Нимани?

— Ануви...

— Тушунтириброқ гапир.

— Жа сизам малимдай эзвораркансиз...

— Ўқийсанми?— дедим жўрттага унинг сигаретга имо қилаётганини тушунмаганга олиб.

— Ҳм. 6-«в» да!

— Нега дарсдамассан?

— Э, адабиёт эди, қочдим. Нима шоир бўлармидим...

— Ие, ҳадемай имтиҳонлар бошланади. Унақада...

— Бир-иккита шеърни ёддан айтиб берсангиз ўқитувчимиз индамай баҳо қўйиб бераверарди.

— Қўнғироқ чалинишига вақт бор шекилли. Шунгача ўша «бир-иккита» шеърлардан эшитайлик!..

— Э, биззики қўлбола шеърлар. Бўлаверадими?

— Бўлаверади!

Ариқчадан хатладим,
Тушди пичоқчам.
Қизла билан ўйнадим...
.....

— Бўлди! Бўлди, айтма у ёғини. Бошқа шеър билмайсанми?

— Лўли момо тут қоқади,
Оғзидан сўлаги оқади.
Кўзи тушса бобомга,
Қошини сирли қоқади...

— Ким ўргатди буларни сенга?

— Ёшлигимда бувимдан эшитганман.

— Отанг ўргатмайдими?

— Вақтлари йўқ. Тижорат...

— Ким у бўлажак келин?

— Гули холанинг Лоласида, ким бўларди!

— Сендан каттамасми у?

— Какой разница?..

— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан? Ё дарров уйланволиб...

— Худо хоҳласа, қоровул бўламан.

— Қоровул???

— Ҳе, эзвордиз-ку одамми, савдо-сотиқни зўри ҳозир қоровилда, амаки. Нима эшитмаганмисиз?

— Қайдам...

Шу пайт қўнғироқ чалиниб, ҳовли бир дамда қийчув солиб югуриб чиқаётган болалар билан тўлди. Суҳбатдошим «ҳозир кўрасиз» дегандай мактаб қоровулхонаси томон ишора қилди. Тоғни урса толқон қилгудек йигит ичкаридан тезда стол-стул олиб чиқиб, устига у-буларни териб қўя бошлади. Бир пастнинг ўзида ёйма дўкон тайёр бўлди-қўйди. Ўқувчилар гурр этиб ўзларини шу ёққа урдилар.

— Хўп, ака, мен борай-чи, кеча уч-тўрт каропка «Сникерс» топширувдим. Кетиши қалайкин, кўрай-чи...

Болаларга қўшилиб қоровулхона томон чопиб бораётган ўғлимнинг кўзи менга тушди-ю, таққа тўхтаб қолди. Мен эса бояги суҳбатдошимнинг гапларидан ҳамон карахт эдим-ки, мактаб ҳовлисида ногаҳон пайдо бўлган теракдай қаққайиб турардим. Қанча турганимни билмайман, бир маҳал қаттиқ жиринглаган қўнғироқ овозидан фикрим тиниқлашиб, бу ерга нега келганим ёдимга тушди. Лекин, бунгача болалар қий-чув билан синфхоналарга кириб улгуришган, қоровул эса стол устидаги қолган матоҳларини йиғиштиришга тушган эди. Беихтиёр шу томонга юрдим.

— Қани, нималари борийкин, ўзи...

Амир НАЗРУЛЛАЕВ.

ГАЛВИР

МИНГ БОР УРИН

Ўнг елкам,
Сўл елкам, Ўртада бор менинг эгилмас бошим.
Ҳур ўлкам,
Ўз ўлкам,
Кўтариб туради рўйи-рост бардошим.

Сайёрнинг «Эзгу» шеъридан.

У қулоғим,
Бу қулоғим,
Ўртасида бордир калла.
Кўп савлатли,
Кўп қаватли,
Мана сизга-маҳалла!

Бу-чап бетим,
Бу-ўнг бетим,
Ўртада катта оғиз.
Иззат қилсам,
Хизмат қилсам,
Алдаб кетди ялмоғиз.

Устки лабим,
Пастки лабим,
Ўртада бор тишларим.
Тирикчилик,
Тиррикчилик,
Бордур менинг ташвишларим.

У томон юз,
Бу томон юз,
Ўртасида мавжуд бурун.
Айтсам лофни,
Бундай гапни
Тополмайсан минг бор урун!

ЎЗИМ БИЛАМАН

Иккиланмай рози бўл,
Вафодор ёринг бўлай.
Доим сенга чўзиб қўл,
Ҳамдам, ҳамкоринг бўлай.

Рустам ДОЛИМОВнинг «ДИЛДОРГА» шеъридан.

Чиқаман десанг токка,
Елкамда олиб чикай.
Олишиб ҳукиз билан,
Истасанг, голиб чикай.
Югурмокчи булсанг гар,
Кийган кетанг булайин,
Ойга булсанг учмокчи,
Кел, ракетанг булайин.
Иккиланмай рози бул,
Турмагин мендан чучиб,
Юрма булиб овора,
Хохласанг борай кучиб,
Кийналма хеч уйланиб,
Нима десанг киламан.
(Олдин олай уйланиб,
Кейин узим биламан).

Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

ЙЎЛОВЧИ

— Ака, Барот чавандознинг ҳовлисини кўрсата олмайсизми?

— Тўғрига юрасиз — паварот, паваротдан кейин агарод, агарод ичида саман от, олдида бўлади тўрт-беш зот, сал юрсангиз кўк варот, тақиллатсангиз чиқадур Барот...

— Раҳмат, раҳмат, бўлди ака, тушундим!

Н. АМИРБЕКОВ.

ХАЖВЧИ РАССОМ **Суръат САЛОҲИДДИНОВ** ИЖОДХОНАСИДА

— Дадам спорт билан шуғулланаяптиларми?
— Йўқ, янги бошлиққа салом беришни машқ қиляптилар.

* * *

— Куёв бола сафарга кетаяптими?
— Шаҳарда олиғоҳда сиртдан ўқийдилар, сессияга кетаяптилар.

ПЎШТ, АФАНДИ КЕЛАЯПТИ...

АФАНДИ болохонада ўтирган экан, бир дарвеш келиб унинг эшигини тақиллатибди. «Кимсан?» дебди у юқоридан туриб. Дарвеш овоз берибди:

— Мунда тушинг!

Афанди болохонадан тушиб келиб, «Нима сўзинг бор?» деб сўрабди.

— Бир нима садақа сўрарман!

— Хайр, ундоғ бўлса, бу ёққа келгил,— деб афанди дарвешни юқорига олиб чиқибди ва:

— Садақа сўрар бўсанг, худо берсин!— дебди.

— Шу сўзингни юқорига чиқармасдан айтсанг бўлмасмиди?!

Афанди ҳафа бўлган дарвешга жавоб қайтарибди:

— Садақа сўрамоқни пастга туширмасдан айтсанг бўлмасмиди?

●●●

БИР КУНИ бир одам Афандидан эшак сўраб келибди. Кайфияти йўқроқ бўлиб турган Афандининг у одамга эшагини бергиси келмабди.

— Эшак уйимда эмасидию,— деб эндигина гап бошлаган экан, оғилдаги эшак ҳанграб юборибди. Бояги одам эса:

— Эй Афандим, бундай ёлғон сўзламоқ сизга муносиб эмас,— дебди.

Афанди дарҳол жавоб қилибди:

— Эй нодон, оппоқ соқолим билан менинг сўзимга ишонмайсан-у, шу бир эшакнинг харашита ишонасанми?

●●●

АФАНДИ дўкондан гўшт олиб кетаётган экан, ногаҳонда бир ит келиб, қўлидаги гўштни олиб қочибди. Афанди нима қиларини билмай йўл ўртасида ҳайрон бўлиб турганда, бошқа бир одам гўшт олиб ўтиб кетаётганига кўзи тушибди. У индамай бориб, ҳалиги одамнинг қўлидаги гўштни тортиб олибди-да, қоча бошлабди. Гўшт эгаси орқадан қичқирганча қолибди:

— Эй, Афандим, ҳазил қилманг, гўштни ташлаб кетинг!

— Кўп бақирма, мен ҳазил қилганим йўқ, валекин ўзимни имтиҳон қилмоқ учун ит бўлдим!— Афанди шундай деб йўл ўртасида туриб қолган одамдан анча узоқлаб кетибди.

●●●

Бир юмуш билан кирган аёл Афандининг қаттиқ койинаётгани устидан чиқиб қолибди. Нимагадир хотинидан аччиқланаётган Афандининг оғзидан ношойим сўз чиқиб кетибди, «Э, эшшак!» дебди-ю, шу вақт қўшни аёлга кўзи тушиб, қолган гапини ичига ютибди.

— Ия, опоқи, номингиз ўзгарганми,— дебди қўшниси афандининг хотинига қараб.

— Ҳа, мен бу кишига турмушга чиққанимда уларнинг фамилияларига ўтганман.

УТБОЛ

АТИГИ БИР МИНУТ ҚОЛГАНДА...

• Ҳамма ютади-ю, «Пахтакор» ютқазадими? • Сўнгги дақиқаларда «кутқарилган» очко • Ҳакамлар, қоидабузарларга шафқатсиз бўлинг! • Ҳисоб-китоб бу йил бошқача

МАНА, ниҳоят футбол мухлислари кутган дам ҳам етиб келди. Ўтган сешанба куни мамлакатимизнинг турли шаҳарларида Ўзбекистон IV биринчилигининг дастлабки тур ўйинлари бўлиб ўтди. Вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган «Политотдел» командаси ўз майдонида Термиз армиячиларини қабул қилган бўлса, «Чирчиқ» Наманганда «Навбаҳор» меҳмони бўлди. «Политотдел» ўйингоҳидаги учрашувга бухоролик ҳакам Н.Лутфулин рухсат бериши билан ёға бошлаган ёмғир кўп ўтмай кучайди. Албатта, бундай об-ҳавода ўйнаш бирмунча мушкуллашади. Лекин ўн минут ичида ҳар иккала команда ҳужумчилари ҳисобни очишлари мумкин эди. Аввало меҳмонлар қанот ҳужумчиси Рустам Дўрмонов, сўнг Жафар Иирисметов қулай имкониятларни бой бердилар, Майдон эгаларига қараганда меҳмонлар тезроқ вазиятга кўникиб, тўпни узоқроқ назорат қила бошладилар. Ёмғир эса тобора кучайиб борарди. Ниҳоят 18-минутда «Политотдел» хужумчиси Жафар Иирисметов ўнг қанотдан узатилган тўпни тўхтатмай моҳирлик билан дарвозага йўллаб, ҳисобни очди. Жамоалар танаффусга чиқиши билан ёмғир ҳам тўхтади. Булутлар орасидан кўзни қамаштириб чиққан камалак ўйингоҳ узра ажиб бир гўзал манзарани кашф этди. Панапанага беркинган мухлислар яна ўз жойларига қайтдилар. Баҳорий кайфият ишқибозлар қатори ўйинчиларга ҳам таъсир этди шекилли иккинчи бўлим юқори суръат ва кескин кураш остида ўтди. Энди меҳмонлар кетма-кет ҳужум уюштириб, мезбонлар дарвозасига таҳлика сола бошладилар. Айниқса, марказий хужумчи Бахтиёр Бозоров ҳимоячиларни гангитиб, кетма-кет дарвозани нишонга ола бошлади. 65- дақиқада бу ҳужумчи ҳисобни тенглаштирди. Ўйин тугашига 10 минут қолганда эса Рустам Асқаров ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Майдон эгалари мағлубиятдан қутулиш учун бутун жамоа бўлиб ҳужумга ўтдилар. Сўнгги дақиқаларда АСК ҳимоячилари ўз жарима майдонларида Алексей Винниковни чалиб йиқитганлари учун ҳакам 11 метрлик жарима белгилади. Андрей Микляев тўпни дарвозага йўллаб, ҳисобни 2:2 қилди.

Вилоятимизнинг иккинчи вакили «Чирчиқ» футболчилари Наманганда «Навбаҳор»га 0:2 ҳисобида ютқаздилар. Тўпларни 7-минутда Марат Кабаев ва сўнгги дақиқаларда Ержон Ералиевлар киритди.

Биринчи турнинг бошқа учрашувлари натижалари билан танишинг: **«Нефтчи» — «Динамо» (Самарқанд) — 4:0, «Нурафшон» — «Машъал» — 3:0, «Пахтакор» — «Трактор» — 0:1, «Темирйўлчи» — «Янгиер» — 2:1, «Суғдиёна» — «Наврўз» — 2:0, МҲСК — «Атласчи» 2:1.**

Эътибор берган бўлсангиз, 8 та ўйиннинг 6 тасида майдон эгалари ғолиб чиққан. Атиги бир ўйинда мезбонлар яъни пахтакорчилар ютқазишган. Эсингизда бўлса, ўтган чемпионатнинг дастлабки учрашувини ҳам пахтакорчилар муваффақиятсиз бошлаган эдилар, Улар Термиз армиячиларидан худди шундай ҳисобда (0:1) енгилишган эди.

Дастлабки тур учрашувларида ҳакамлар 19 футболчини огоҳлантирдилар, Уларнинг қоидабузарларга қарши бундай қаттиққўллигидан эртанги футболимиз ютса ютадики, ютқазмайди. «Пахтакор» — «Трактор» учрашувида беш ўйинчи, «Темирйўлчи» — «Янгиер» баҳсида тўрт футболчи огоҳлантириш олди. Команда раҳбарлари бу кўнгилсиз ҳолдан қанчалик тез хулоса чиқариб олсалар, шунчалик яхши бўларди.

Бу йилги биринчилик низомининг яна бир янгилиги шундаки, ғалаба учун уч очко, дурангга бир очко, мағлубиятга эса очко берилмайди. Бу ҳол, албатта, ўйинларнинг кескин кураш остида ўтишига ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлаймиз.

Эртага иккинчи тур ўйинлари бўлади. «Политотдел» Андижонда «Наврўз»га қарши майдонга тушса, «Чирчиқ» футболчилари ўз майдонларида Марказий ҳарбий спорт клубини қабул қиладилар.

Ш.УМУРЗОҚОВ.

АВТОКОРХОНАЧИЛАР ҒОЛИБ

Яқинда Чирчиқ шаҳрида кичик футбол бўйича шаҳар биринчилиги ўтказилди. Унда бир неча йиллардан бери сурункали пешқадамлар сафида келаётган 2-ҳиссадорлик автокорхонаси «чарм тўп» усталари чиройли ўйинлар кўрсатиб бу йил ҳам чемпионликка асосий даъвогарлардан эканликларини кўрсатдилар. Бир неча кун давом этган турнирда мазкур корхона автомобилчилари икки команда билан қатнашди.

Кучлилар сафида бораётган «Ватанпарвар», «Динамо» жамоалари ҳам совринлар учун курашда маҳоратларини намойиш этишга муваффақ бўлдилар. Майдонда муросасиз тўп сурган транспортчиларнинг биринчи жамоаси ғолиб бўлди. «Ватанпарвар» иккинчи, транспортчилар иккинчи жамоаси учинчи совринли ўринни эгаллади. Динамочилар тўртинчи ўрин билан чегараланишга мажбур бўлдилар. Автомобилчиларнинг биринчи жамоасига кўчма кубок, 1 даражали совриндан ва пул мукофоти топширилди.

Б. ПУЛАТОВ.



Сўзсиз сурат.

БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон телевидениеси болалар ва ўсмирлар муҳарририяти ва Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб «Ҳур диёрнинг ҳур фарзандлари»номли болалар ижодиёти вилоят кўрик-танловини эълон қилдилар.

Кўрикни ўтказишдан мақсад болалар ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги маданий оммавий ишларни янада такомиллаштириш, истеъдодли болаларни кашф этиш, улар ижодини кенг тарғиб қилишдир.

Шу кунларда муҳарририят вакиллари ва бошқарма мутахассисларидан таркиб топган ҳайъат аъзолари вилоятимиз шаҳар ва туманларида бўлиб, жойларда ўтказилаётган кўрик танловларда иштирок этиб, иқтидорли болаларни ва қизларни ойнаи жаҳонда намойиш қилинадиган якунловчи босқичда қатнашиш учун танлаб олмоқдалар.

Оққўрғон тумани «Қувонч», Куйичирчиқ туманининг «Юлдузлар» рақс ансамблларини, Олмалиқлик доирачилар, Паркент туманининг «Шарқ бозори» ва Оққўрғоннинг «Бешқарсак» болалар фольклор жамоаларининг чиқишлари хайъат аъзоларида яхши таассурот қолдирди.

Янгиобод шаҳар «Фантазия» болалар цирк жамоасининг чиқишлари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу ўринда болалар ижоди билан шуғулланувчи мутахассислар, улар учун куй ва қўшиқлар ёзадиган бастакорларимиз, шоирларимиз камлиги сезилиб қолди. Болаларимиз репертуарида ўз ёшларига муносиб номерлар оз. Иқтидорли болалар эса вилоятимизда кўплаб топилади.

Ф. АМИРИДДИНОВА,
вилоят маданият ишлари бошқармаси етакчи мутахассиси.

Шунақаси ҳам бўлади

МАШҲУР «ПИЁНИСТА»

ДНЕПРОПЕТРОВСК томонларда Василий Бубиря деган кимсани одамлар жуда яхши танишади. У номи кетган «пиёниста». Уни хушёрхонага олиб бориш учун камида ўн беш-йигирма милиция ходими керак. Гап шундаки, унинг оғирлиги 200 килограммдан ҳам ошиқрокдир. У шунчалик семизки, уни, ҳатто, ичкиликбозларни ташийдиган автоуловга ҳам киритиб бўлмайди. Одатда Вася амаки бир неча стакан вино ва ўнлаб кружка пиволарни «отиб» олади-да, пивохона ёнида бемалол ҳуррак отиб ухлайверади. Иш шу даражага бориб етдики, энди милиция ходимлари уни кўрсалар ҳам кўрмасликка олиб ўтиб кетаверадиган бўлишди.

Тошкент вилоят ҳокимлигига қарашли «Тошкент вилояттаом» концерни 1995 йил 1 апрелдан **ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.
Телефон: 46-46-30.

Тошкент шаҳридаги 32-поликлиника жамоаси стоматология бўлими бошлиғи Мирпўлат Мирсоатовга опаси
МАМЛАКАТ МИРСОАТ қизи АСОМИДДИНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.
• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Руйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0147. 17188 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6